



## ПРЕСС-РЕЛИЗ



### **Иқлим ўзгаришига мослашув бўйича чора-тадбирлар амалда**

**(Адаптация жамғармаси молиялаштираётган Гидрометеорология хизмати маркази ва БМТТДнинг қўшма дастурини амалга ошириш натижалари мисолида)**

2021 йилнинг 18 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот коммуникациялар агентлигида “Иқлим ўзгаришига мослашув бўйича чора-тадбирлар амалда (Мослашиш жамғармаси молиялаштираётган Гидрометеорология хизмати маркази ва БМТТДнинг қўшма дастурини амалга ошириш натижалари мисолида) мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари билан курашиш глобал муаммо ҳисобланади, иқлим ўзгаришини олдини олиш ва унинг оқибатларига мослашув бўйича чора-тадбирлар эса борган сари долзарб бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида қайд этганидек, “Давримизнинг ўткир муаммоларидан яна бири – глобал иқлим ўзгаришларидир. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдирмоқда. Эътиборингизни яна бир бор Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларига қаратмоқчиман. Оролбўйи ҳудуди экологик фожианинг марказига айланди. Биз мавжуд аҳволни яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз».

Ҳозирги кунда иқлим ўзгаришига мослашиш масаласи алоҳида, юқори халқаро устуворлик касб этмоқда. Яқинда БМТнинг собиқ бош котиби Пан Ги Мун раҳбарлигида Нидерландияда ташкил этилган Иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича ўтказилган йил Саммитида мослашув бўйича кенг қамровли ҳаракатлар Режаси тақдим этилган эди. Унда иқлим ўзгаришига қарши кураш бўйича амалий чора-тадбирлар ва глобал иқлим исишига мослашиш ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда иқлимий барқарорлик бўйича режалар баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 17 ноябрдаги 4896-сон Қарорига мувофиқ, Ўзгидромет БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси доирасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришга масъул орган этиб белгиланган ва конвенциядаги мажбуриятларни бажарилишига, жумладан, ҳозирда кузатилаётган ва келажакда кутилаётган иқлим ўзгаришига нисбатан мамлакатнинг мослашув салоҳиятини оширишга катта эътибор бермоқда.

Ўзгидромет иқлим ўзгариши масалаларига ҳар доим катта эътибор бериб келган, мослашув ҳаракатларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган қўшма лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб келмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзгидромет БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциясининг Мослашиш жамғармаси ва БМТТД билан ҳамкорликда аҳолининг энг заиф қатламини иқлим ўзгаришига мослашиш ва қурғоқчиликка тайёрлигини ошириш ҳамда унинг салбий оқибатларини юмшатишга йўналтирилган “Ўзбекистоннинг қурғоқчил ҳудудларида жойлашган фермер ва деҳқон хўжаликларининг иқлимий барқарорлигини таъминлаш” лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳа мослашиш бўйича энг кечиктириб бўлмас чора-тадбирларга кўпроқ эҳтиёж сезаётган, мамлакатимизнинг иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари кўпроқ намоён бўлаётган Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилмоқда.

Лойиҳа томонидан сув танқислиги ва қурғоқчилик хатарини юзага келиши ҳақида олдиндан хабардор қилиш тизимини ривожлантириш орқали иқлимга барқарор қишлоқ хўжалигини юритишга ўтишда, сув тежамкор агро-технологияларни жорий этиш, яйловлар унумдорлигини тиклаш бўйича тадбирларни ташкил этиш ва таназулга учраган 70 минг гектар ерда ўрмон мелиоратив ишларини олиб боришда маҳаллий қишлоқ ҳамжамиятларига кўмак бериб келинмоқда. Бу орқали эса лойиҳа Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат дастурларини амалга оширишни қўллаб-қувватлашда ҳисса қўшмоқда.

Матбуот анжуманида лойиҳа доирасида эришилган энг муҳим натижалар муҳокама учун тақдим этилди. Муҳокамада Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзгидромет, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университети, Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик ҳайрия жамғармаси, Орол денгизи ҳавзасида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Оролни кутқариш халқаро жамғармаси, ГЭФ агентлиги ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳамда ОАВ журналистлари қатнашдилар.